

## **SCIENTIFIC VIEW ON THE INTERDISCIPLINARY STATUS OF CORPORATE LINGUISTICS**

**PhD Ataboev Nozimjon Bobojon ugli  
teacher, BSU**

**Abstract.** The following article deals with the theoretical problems related to the specification of corpus linguistics. In order to gain the exact data regarding the above-mentioned issue, the differences between the corpus linguistics and the spheres, which are absolutely close to it, have been clarified. For example, mathematical linguistics, quantitative linguistics, applied linguistics and computational linguistics are compared with the corpus linguistics in terms of their object and subject including the scientific problems they deal with.

**Key words:** corpus linguistics mathematical linguistics, quantitative linguistics, applied linguistics, computational linguistics.

### **Кириш**


Корпус лингвистикаси (КЛ) тушунчасига тўхталишдан олдин корпус терминининг назарий изоҳланиши муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, корпус – бу корпус тузувчининг прагматик мақсадидан келиб чиқиб, қатъий тамойиллар асосида шакллантириладиган ва таснифланадиган, репрезентативлик мезонига жавоб бера оладиган, сараланган, етарли ҳажмдаги лисоний матнлар (оғзаки ва ёзма) тўплами бўлиб, ўзида қайта ишлаш, теглаш каби принципларни мужассамлаштирган, асосан компьютер ёрдамида жараёнларни автоматлаштирадиган мукамал тизимли қидирув, ҳаволали натижа ва эмпирик таҳлилга қулай миқдор ҳамда изчилликка эга базадир.

### **Асосий қисм**

КЛ – лисоний корпусларни яратиш ва уларнинг татбиқи билан шуғулланувчи тилшунослик соҳасидир. КЛ хусусида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, соҳани бошқа ўхшаш тушунча ва тармоқлар билан

чалкаштириш кўзга ташланади. Хусусан, КЛни квантитатив, компьютер, математик ва амалий лингвистика каби тармоқларнинг таркибий қисми ёки улар билан маълум маънода фарқланмайдиган тушунча сифатида қарашлар Б.Б. Базаровава **А.Д. Майорова** нинг мақолаларида учрайди.

Юқорида номлари келтирилган соҳалар ва КЛ ўртасидаги фарқларни аниқроқ планда кўриш мақсадида қуйидаги чизма келтирилган.



### **1- расм. Тилшунослик ва унга алоқадор соҳалараро муносабат шакллари**

Чизма орқали ўзаро яқин лисоний изланиш соҳаларининг муносабати хусусида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Квантитатив лингвистика ва корпус лингвистикаси тилшунослик соҳалари бўлиб, тўғридан-тўғри унинг муаммоларини ечишга йўналтирилган тармоқлардир. R. Köhler., N.L. Biggs, A. Pawłowski ва бошқалар квантитатив лингвистикани лингвистиканинг тармоғи сифатида эътироф этишган. Квантитатив лингвистика статистик методлардан фойдаланади, унинг асосий мақсади – тил амал қиладиган қоидалар орқали тил фаолияти хусусидаги бир бутун ўзаро алоқадор қонуниятларидан ташкил топган умумий тил назариясини шакллантиришдан иборат. КЛнинг таърифи хусусида қуйида батафсил тўхталинади.

2. Математик лингвистика ва компьютер лингвистикаси эса тилшунослик билан ўзаро алоқадор тармоқлар сифатида унинг муаммоларини ечиш учун математик ва техник таъминот ишлаб чиқишни мақсад қилишган. Математик лингвистика сунъий интеллект яратишга асос бўлган тушунчалардан бўлиб, XX асрнинг 50-йилларида АҚШда пайдо бўлди ва илк бор журналларни

автоматик таржима қилиш учун қўлланилган. В.П. Фоменко ва Т.Г. Фоменко, А.А. Макаров, А.С. Романов ва Т.В. Батура тадқиқотларида математик лингвистика (МЛ) автоматлаш-тирилган таржима ва сунъий онг яратишини таъкидлашган. А.Н. Баранов (1987), Э.В. Попов, В.П. Захаров, А.В. Зубов ва А.Н. Баранов (2001) компьютер лингвистикаси МЛнинг тармоғи деб қарашган, МЛнинг мақсадидан келиб чиқиб, техник (праграмма ва қурилма) таъминотлар яратишга қаратилган изланишларни қамраб олишини таъкидлашган. Н.Барановнинг фикрича, «Компьютер лингвистикаси – компьютер технологиялардан тил фаолиятларини моделлаштиришда маълумотлар йиғиш, саралаш ва кенг қўламда фойдаланишдир. Муаммоли вазиятларга кўра, тилнинг компьютер модели нафақат тилшуносликда, балки у билан чамбарчас боғлиқ бўлган фанларда ҳам қўллаш назарда тутилади».

3. Тўрт соҳанинг ўзаро ривожланиш даврийлигига кўра, диахроник кетма-кетликда жойлаштирилган. Улар бир-бирининг ютуқларидан фойдаланади ва изланишларнинг аниқ кўрсаткичларга таянишини таъминлайди.

4. Амалий лингвистика – Ғарбда «Applied Linguistics» номи билан тарқалган соҳа сифатида компьютер қурилмаларидан фойдаланишдан манфаатдор барча соҳаларни қамраб олади ва юқоридаги тўрт соҳа билан ўзаро бир томонлама алоқага киришади. Бу термин хориж ва ўзбек тилшунослигида лингводидактика тармоғи сифатида қаралади. Амалий лингвистиканинг келиб чиқиши, мазмун-моҳияти 1948 йили «Language learning: A journal of Applied linguistics» журналида илк бор чоп этилган. Амалий лингвистика структурал ва функционал лингвистика қарашларини ўзида акс эттириб, тўғридан-тўғри чет тилларини ўқитишда ҳамда баъзи ҳолларда она тили саводхонлигини оширишда ҳам қўлланади М. МкКартий ва С. Ж.Брумфитларнинг фикрига кўра, амалий лингвистика муаммога йўналган соҳа бўлиб, фарқловчи жиҳат – лингвистиканинг назарияга йўналганлигидир.

5. КЛни лингвистиканинг мустақил соҳаси сифатида қараш асослидир. Бироқ КЛ ўз ривожидан математик лингвистикадан лисоний ҳисоб-китобларга керакли формулаларни, квантитатив лингвистикадан миқдорий кўрсаткичларни келтириб чиқариш ва

улардан хулоса чиқариш учун асосли алгоритмларни олса, компьютер лингвистикасидан автоматлаштирилган компьютер программалари ва қурилмаларини олади ҳамда ўз ютуқларини лисоний изланишларга қаратган ҳолда натижаларини амалий лингвистика билан тил ўқитиш жараёнида қўллаш учун бўлишади.

### **Хулоса**

Бизнингча, КЛга тилшуносликнинг семантика, синтаксис, социолингвистика ва шу каби бўлимлари сифатида қараш ноўрин, уни изоҳ ва тасвирлашни талаб этмайдиган методология дейиш мумкин. Бу методологияни тилшуносликнинг биргина соҳаси билан чегараланиб қолмайдиган, балки ҳар қандай лисоний изланишларда қўллаш имконияти мавжуд илмий-тадқиқот методларига эга методология сифатида қараш ўринли. КЛ ҳақида билдирилган фикрларни қуйидагича хулосалаш ўринли: КЛ ривожланиш босқичининг илк даврида тадқиқот методи сифатида қаралган ва уни компьютер ва математик ҳисоб-китобларга қаратилган фан тармоқларининг қисми ёки воситаси сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда ўзининг мақсад-вазифалари ва тадқиқот методларига эга методология бўлиб улгурган ҳамда кенг илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Келажакда эса тез суръатда ривожланиб бораётган КЛ барча соҳадаги муаммоларга ечим топишга кучи етадиган лингвистик илмий-тадқиқот парадигмаси ёки мустақил фан сифатида баҳолан мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Biggs N.L. The Roots of Combinatorics// *Historia Mathematica* 6, 1979, – 109-136 pp.
2. Köhler R. Gegenstand und Arbeitsweise der Quantitativen Linguistik // *Quantitative Linguistics* / R. Köhler, G. Altmann, R.G. Piotrowski. – Berlin: Ein internationales Handbuch. de Gruyter, 2005.
3. Koplán R.B. *The Oxford Handbook of Applied Linguistics* – Oxford: Oxford University press. 2002. – P 3
4. McCarthy M. *Issues in Applied Linguistics*. – Cambridge Un.Press. 2001. – P 4.; Brumfit C.J. *Applied Linguistics In Higher Education: Riding The Storm*. – BAALNewsletter 38: 1991. – P 45–46.
5. Pawłowski A. Prolegomena to the History of Corpus and Quantitative Linguistics. *GreekAntiquity*. – *Glottology* 1, 2008, – 48–54 pp.

6. Базарова Б.Б. Корпусная лингвистика и преподавание иностранных языков// Вестник Бурятского Государственного университета Вып. 15. – Россия: 2015. – 88-92 с.
7. Баранов А.Н. Компьютерная лингвистика // Введение в прикладную лингвистику: учебное пособие. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 320 с.
8. Баранов А.Н. Категории искусственного интеллекта в лингвистической семантике. Фреймы и сценарии. – Москва: 1987. – 56 с.
9. Батура Т.В. Математическая лингвистика и автоматическая обработка текстов на естественном языке. Учебное пособие: – Москва: 2016. – С 6.
10. Зубов А.В. Информационные технологии в лингвистике / А.В. Зубов, И.И. Зубова. – М.: Академия, 2004. – 208 с.
11. Корпусная лингвистика как раздел языкознания URL: <https://myfilology.ru/177/korpusnaya-lingvistika-kak-razdel-yazykoznaniya/>
12. Корпусная лингвистика: исторический и лингводидактический аспекты// Международной научно-исследовательский журнал – Педагогические науки. Выпуск № 5(59) Май 2017. – 42-46 с.
13. Марков А.А. Об одном применении статистического метода//Текстология.ru. URL: <http://www.textology.ru/library/book.aspx?BookId=8&textId>
14. Попов Э.В. Общение с ЭВМ на естественном языке. – Москва: Наука, 2000. – 360 с.; Захаров В. П. Информационные системы (документальный поиск) / В.П. Захаров. – Санкт-Петербург, 2002. – 188 с.
15. Романов А.С. Методика и программный комплекс для идентификации автора неизвестного текста : автореф. дис. канд. тех. наук. – Томск: 2010. – 26 с.
16. Фоменко В.П., Фоменко Т.Г. Авторский инвариант русских литературных текстов // Новая хронология Греции: Античность в Средневековье. – М.: МГУ, 1995. – 422 с
17. Файзуллоев О. М. ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ИНТЕРПРЕТАЦИИ УЗБЕКСКИХ СКАЗОК //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 12. – С. 212-215.
18. Fayzullayev M.B, Fayzulloyev O.M, & Saidova M.M. (2021). Images of animals in the Legends of Haji Nasretdin. Middle European Scientific Bulletin, 10(1). <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.10.328>